



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2010 йил 19 НОЯБРЬ, ЖУМА

XXI савдоси аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (11.784)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислохотлар оқимида

ИСТЪМОЛЧИ ТАЛАБИГА МОС

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этиши баробарида аҳоли бандлигини таъминлашда, маҳсулот ва хизмат турларини кўпайтиришда ўз ўрнига эгадир.

Айниқса молиявий кўмак тадбиркорлар фаолиятида мадд бўлмақда. Корхоналари замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашда банк кредитлари ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариш ривожини таъминлашда.

2008 йилда фаолият бошлаган «Race Horse Saman» хусусий корхонасида асосан эркаклар оёқ кийимлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда замонавий технология жорий этиш мақсадида «Алоқабанк» дан 70 миллион сўм кредит олинди, бугунги кунда кўплаб янги турдаги пойабзал тайёрлашни йўлга қўйилди.

— Ўттиз хил моделдаги оёқ кийими ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона директори Маҳмадмурод Тулаков. — Бундан ташқари, буюртма асосида мах-

сус пойабзал ҳам тайёрланади. Фақат табиий чармдан фойдаланамиз. Маҳсулотнинг замонавийлиги ва чидамлилигига эътибор қаратилгани боис ҳозирги пайтда республика миқёсида харидорларимиз кўпайиб бормоқда. Яқин орада яна бир янги дастгоҳ — оёқ кийим тагарми учун кўйма аппарат олиб келишни режалаб турибмиз.

Корхона раҳбари таъкидлаб ўтганидек, бундай усулда тайёрланган оёқ кийим ҳам сифати, ҳам нархи жиҳатдан истеъмолчига маъқул келади. Айни кунларда шунингдек баҳор мавсумига мос янги моделлар устида ҳам иш олиб борилаётган.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси Тошкентдаги хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, чет эл ижтимоий-сиёсий ва эксперт гуруҳлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорс Апокинсинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг маърузаси мамлакатнинг истиқболдаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлидаги кенг ҳаракат дастури саналади. Унда мамлакат ривожининг асосий, хусусан, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлари қамраб олинган.

«Ўзбекистон турли соҳаларда ислохотларни босқичма-босқич амалга оширар экан, қисқа давр ичида юксак муваффақиятларга эришти. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг ҳаётий рўёби, шубҳасиз, келажақда мамлакатда демократик ислохотлар ўтказилишига ижобий таъсир кўрсатади», дея таъкидлади элчи.

Латвиялик дипломатнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг маърузасида ҳар қандай давлат учун муҳим саналган кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ниҳоят даражада долзарб масала ҳисобланади. Зеро, мазкур соҳа мамлакат иқтисодий ўсишининг асосини ташкил этувчи негиздир. Шу ўринда, элчи Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг миллий аънавларини инobatта олган ҳолда, оливей бизнес-ни ривожлантириш зарурли-

гига эътибор қаратганини юксак баҳолади.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг мамлакат келажаги ҳақида чуқур қайғуриш ҳиссига йўғрилган маърузаси концептуал хусусиятга эга ва ўзбекистоннинг давлат қурилиши борасида мустақиллик йилларида эришган барча бой тажрибасини ўзида мужассам этган.

«Президент Ислом Каримов теран таҳлил асосида диққат марказида ўзбек жамоатчилигида сиёсий ислохотларни давом эттириш зарурати давр этган Ўзбекистоннинг яқин келажақдаги стратегик ривожланиш йўналишини аниқлаб берди», деди элчи.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Республикаси раҳбари ўзининг давр билан собитқадам, давлат тараққиёти ва истиқбол учун зарур бўлган ўзгаришларни аниқ ва ўз вақтида ҳис қила оладиган стратегик билимларга эга донишманд сиёсий зийраклигини яна бир бор намоён этди.

«Бу каби пухта ўйланган тақлифлар Ўзбекистоннинг яқин ҳамкори ва самимий дўсти саналмиш Хитойни, шубҳасиз, беэътибор қолдирмайди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатни ислох-

қилиш борасида ишлаб чиқилган беш тамойил асосида эришилган тараққиётнинг юқори натижаларини мамнуният билан эътироф этади», деди хитойлик дипломат.

Юй Хунцзюнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари томонидан белгилаб берилган вазибалар ҳамда ўта долзарб конституциявий ўзгаришлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида туб ислохотларни кўзда тутгани ва давлатнинг келажақдаги ривожига кўмак берувчи чуқур ислохотлар ўтказиш йўлида ишонч билан одимлашдан дарак беради.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Азиз Харуннинг эътирофича, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси жамиятини янада ислох қилиш борасида теран маърузага эга ва долзарб вазибаларни қамраб олганлиги билан кишида унутилмас таассурот қолдиради.

Дипломатнинг таъкидлашича, келгусида Ўзбекистоннинг қонунчилик тизимида амалга оширилиши кўзда тутилган, ўз моҳиятига кўра, нафақат сиёсий партиялар, балки нодавлат ноҳуқорат ташкилотларга берилган кенг ҳуқуқларни ўзида намоён этувчи ислохотлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда ўзбекистон раҳбари томонидан суд-ижро ҳокимиятини такомиллаштиришга қаратилган эътиборнинг муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. (Давоми 2-бетда)

Конституцияимизнинг маъно-мазмунини ўрганиш — ҳар бир юрtdошимизнинг бурчи. Шу боис юрtdимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиридан олинган маълумотларга кўра, ушбу ҳужжатга асосан Бош Қомусимизни ўрганишнинг узлуксиз ва такомиллашган тизими яратилган. Фармойишга мувофиқ бугунги кунда мактабгача таълим масканларида «Конституция сабоқлари», мактабларнинг 1- ва 4-синфларида «Конституция алифбоси», 5- ва 7-синфларида «Конституция оламига саёҳат», 8-синфда «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқий асослари», 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ асослари» каби фанлар ўқитилмоқда. Ушбу ўқув фанларга оид билим ва кўникмаларни шакллантиришда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашилаётир. Айни пайтда «Менинг ҳуқуқларим», «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари» каби

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган барча ишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ЁШЛАР

ўқув қўлланмалар ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллиги муносабати билан Халқ таълими вазири томонидан барча таълим масканларида ҳуқуқий-маърифий мазмундаги туркум тадбирлар ташкил этилаётир. Тадбирлар доирасида умумтаълим мактабларида Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини ўзлаштиришни янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда турли кўрик-танловлар, викториналар, интеллектуал беллашувлар, соҳа мутахассислари иштирокидаги давра суҳбатлари ташкил этилапти.

Бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарларининг билимдони», «Сиз қонунни биласизми?» сингари кўрик-танловларда ўқувчилар фаол иштирок этмоқда. Иқодий беллашувлар жараёнида уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билими синовдан ўтказилмоқда.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳридаги 118-мактаб директори Бибисора Ҳасанова. — Бунда «Конституция — асосий қонуимиз» мавзусида очик дарслар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Айниқса бошланғич ва юқори синфлар ўқувчилари ўртасида таш-

кил этилаётган расм, плакат, иншо ва деворий газеталар танловлари, турли иқодий интеллектуал викториналарнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Мактабда Низомий номидида Тошкент давлат педагогика университети, Мирзо Улуғбек номидида Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунос олимлари, профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатлари, анжуманлар, жонли мулоқотлар ўқувчи-ёшлар онгига Бош Қомусимиз мазмун-моҳиятини чуқур синдириш, мазкур йўналишдаги ўқув машғулотлар сифати ва савиясини оширишга хизмат қилмоқда.

Мактабда фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказида ўқувчилар ва ўқувчилар Конституцияни ўрганишга оид қўшимча адабиётлар, ўқув-услубий воситалар, янги қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан атрофлича танишиш имкониятига эга. Буларнинг барчаси аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда фаол фуқаролик позицияси ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарбиясини шакллантиришда юксак самаралар бераётир.

Назокат УСМОНОВА

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Мустақиллигимиз рамзлари — фаҳримиз, ғуруримиз» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида «Ҳозирги замон Тўмарислари» шиори остида кўрик-танлови ўтказилади.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Маънавият тарғибот маркази томонидан «Бағрикенглик — тинчлик маданиятига элтувчи йўл» мавзусида конференция уюштирилди.

✓ **«КАМАЛАК»** болалар ташкилоти Шайхонтохур тумани бўлими томонидан сардорлар малакасини оширишга қаратилган ўқув семинари ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

✓ Швейцариянинг саратон хасталигига қарши дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи «Roche Holding» корпорацияси мавжуд иш ўринлари сонини 4800 тага қисқартиришни маълум қилди. Муассаса шу йўл орқали ортиқча харажатларга чек қўймоқчи.

✓ Парижда қиймати 100 минг еврога тенг бўлган танга пул ишлаб чиқарилди. Оғирлиги бир килограмм келадиган мазкур тангага машхур «Тожмаҳал» обидаси тасвири туширилган ва у 68 та қимматбаҳо тош билан безатилган.

✓ Варшава шаҳридаги Польша миллий театрида футбол бўйича 2012 йил Украина ва Польшада ташкил этиладиган навбатдаги Европа чемпионатининг расмий тимсоли тақдироти бўлиб ўтди. Мезбон давлатларнинг келишувига кўра, «кўҳна қитъа» биринчилигининг рамзи сифатида эгизак футболчилар танланган.

✓ Австралияда Интернет орқали тамаки маҳсулотлари рекламасини тақиқлаш борасида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Агар мазкур ҳужжат қабул қилинса, реклама берувчилар олдига бир қатор жиддий талаблар қўйилади.

✓ Қарийб ўттиз йиллик танаффусдан сўнг Италиянинг «Fiat» автомобилсозлик компанияси яна АҚШ бозорида ўз маҳсулотларини сотишни йўлга қўймоқчи. Корхона мамлакатнинг 39 штатидаги автомобил савдоси билан шуғулланувчи 130 та муассаса билан ҳамкорлик келишувига эришган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида сўз юритар экан, А. Харун Президент Ислом Каримов нечоғли чуқур иқтисодий ва стратегик билим соҳибига эканлигини намойиш этганини таъкидлади. Сўнгги йилларда мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масаласи устувор масалалардан этиб белгилангани юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Хусусан, ушбу тармоқларнинг давлат буюртмаларини бажариш тизимига жалб этилиши амалга ошириладиган ишларнинг сифат даражасини юксалтириб, соғлом рақобатни кучайтиради.

У, шунингдек, мамлакатда тарихий ва ижтимоий-маданий тажрибага асосланиб амалга ошириладиган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделини ҳам алоҳида эътироф этиб ўтди.

Малайзия дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг фикрича, Президент Ислом Каримовнинг дастурида Ўзбекистоннинг ривожланаётган дунё мамлакатлари тоифасидан ривожланган мамлакатлар гуруҳига ўтиши бўйича аниқ вазифалар ва стратегик йўналишлар ўз аксини топган.

«Бунинг учун мамлакатда ривожланган ва замонавийлаштирилган sanoat, самарали қишлоқ хўжалиги тизими, тадбиркорлик қўллаб-қувватлаш, мустақам ва пухта ўйланган, ҳам халқаро, ҳам минтақавий аъёнларнинг хусусиятларини ўзидан мужассамлаштирган ҳуқуқий асос сингари барча зарур шарт-шароит мавжуд».

Демократик жамиятнинг шаклланиши йўлида Ўзбекистон раҳбари алоҳида ва муҳим ролини ахратиб кўрсатган мамлакат оммавий ахборот воситаларини ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасини шарҳлар экан, **АҚШнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Дуйэн Бутчер,**

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

хусусан, қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

«Биз миллий мақсадларга эришиш жараёнида сиёсий партияларнинг роли оширилиши, шунингдек, ҳукуматнинг улар олдида ҳисобот бериши тажрибасининг киритилиши олиқлаймиз. Ишонимизки, барча ҳаракатлар сингари бизнинг Миллий Демократик институт орқали олиб бораётган фаолиятимиз ҳам белгиланган мақсадларга эришиш йўлида бир улуш бўлади. Шунингдек, бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини ўрганиб боришимиз айни муддаодир.

Ўзбекистон раҳбариятининг ҳукуматни шакллантиришда конституциявий жараёнларнинг устулгини таъминлашдаги мажбуриятларни тўғри аниқлаб беришга интилаётганлигини кузатиш ниятда қувончлидир.

Биз Президент Ислом Каримовнинг нодавлат нотижорат таъкидлашлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳақидаги фикрларини катта қизиқиш билан тингладик. Биз, албатта, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мақсадларга эришишининг ва ҳукумат вакилларининг жавобгарлигини таъминлашнинг муҳимлиги тўғрисидаги қарашларига тўла қўшилиамиз. Ишонимизки, ушбу ислохотлар Ўзбекистон фуқаролик жамиятида турли қарашлар сонининг ошишига кенг имкониятлар яратилишига, хусусан, ушбу мақсадга эришишимизда умумий фаолият юритишимиз йўлини аниқлашда хизмат қилади.

Шу ўринда, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ролини ошириш ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонун устуворлиги, демократик бошқарувни мустақ-

камлаш сингари барча ташаббусларда ишончли ҳамкор бўлишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайди».

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили Ежэ Станкевич Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билан ўртоқлашар экан, унда қайд этилган давлат тизимининг, хусусан, суд-ҳуқуқ ва жамоат ташкилотларининг ислохоти тамойилига алоҳида ургу берди. «Президент Ислом Каримовнинг маърузасида давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик очик-ойдин акс этиб турибди», деди у.

Дипломатнинг қайд этишича, Ўзбекистон парламентининг ҳар иккала палатасидан ушбу вазифани амалга ошириш учун улкан қўллаб-қувватлаш керак. Негаки, мазкур жараёнда нафақат давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар тартибга солуви янги қонунлар қабул қилиниши зарурати мавжуд, балки ушбу қонунларнинг сифатини ошириш талаби ҳам қўйилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида демократик давлат барпо этиш йўлида катта муваффақиятларга эришди. Шу билан бирга, мамлакат олдида оқилона амалга ошириладиган серқирра иш турибди. Мазкур йўналишдаги фаолиятни доимий равишда такомиллаштириш ва илғор мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганган ҳолда уни қўллаш зарур», дея ўз фикрини яқунлади Е. Станкевич.

«**Пантеон Ассас Париж 2**» университетининг профессори, сиёсатшунос **Жак Баррнинг** сўзларига кўра, «Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида мамлакат-

даги бугунги вазият ва эришилган муваффақиятлар ҳақида маълумот беради. Хусусан, у Ўзбекистонда XXI асрда демократлашган ҳамда адолатли жамият барпо этиш мақсадида мамлакатда кечяётган демократиялашув жараёнини давом эттириш ва тезлаштириш зарурлигини қайд этиб ўтди».

У, шунингдек, Президент Ислом Каримов томонидан келтирилган рақам ва кўрсаткичлар мамлакатда босқичма-босқич ўтказилаётган сиёсатнинг муваффақиятлари инъикоси эканлигини алоҳида таъкидлаб, «Мазкур ютуқлар дунёнинг бошқа бир қатор давлатлари ҳақон молиявий-иқтисодий инқирозидан азият чекаётган бир пайтда қўлга киритилаётганини, айниқса, эътиборлидир», дея эътироф этди.

«Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган аниқ тақлифлар мамлакатнинг ўзбек халқи менталитети, маданияти ва ўрф-одатларига асосланган ҳолда демократлашувда тадрижий ва қатъий йўналишда ривожланиш каби мақсадларни қўзғайётгани билан диққатга сазовордир.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан давлат ҳокимияти, унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қилинган тақлифлар, замонавий воқеликларни ҳисобга олганда, тамомла ўзини ўзи оқлайди. Конституциянинг айрим моддаларига киритилиши назарда тутилган ўзгаришлар эса муайян ҳукумат институтларининг демократик ва барқарор ривожланишига замин яратяди», дея таъкидлади Ж. Барр.

Унинг фикрича, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, суд тизимини янада либераллаштириш йўлида амалга ошириладиган тадбирлар эътирофга лойиқдир. 2008 йил ян-

вардан эътиборан мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши бунга яққол далolat бўла олади. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ислохотлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини мустақамлаш, унинг эркинлигини таъминлаш каби жиҳатларнинг такомиллашуви билан бир қаторда, мазкур соҳада эришилган ижобий натижаларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ўзлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар, ҳеч шубҳасиз, жаҳоннинг бошқа илғор мамлакатларида бўлгани каби, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлашга асос яратяди.

Француз сиёсатшуносининг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президенти қайд этган Ўзбекистон сайлов тизимининг такомиллашуви масаласи демократлашув жараёни ва сиёсий партиялар фаолиятини кучайишида ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш йўлида ҳам ниятда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

«Мазкур соҳада қонуний меъёрларнинг ривожланиши нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳукумат тузилмалари билан ўзаро фаолиятининг очиклиги ва самардорлигини таъминлаб беради. Мамлакатда келгусида маъмурий, институционал ва экологик назоратни амалга ошириш йўлида қўшимча орган ва механизмларни ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади», деди Ж. Барр.

«Ўзбекистон қонунчилигига киритилиши кўзда тутилаётган, XXI аср талабларига жавоб берадиган ўзгариш ва янгиликлар мамлакатга нафақат янги ижобий натижа ва муваффақиятларга эришиш йўлида кўмаклашади, балки жамият тараққиётида ёш авлоднинг фаол иштирокини ҳам таъминлайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлари демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига имконият яратилади. Эркинлик тамойилининг асоси ҳам ана шундадир», дея сўзига яқун ясади Ж. Барр.

«Жаҳон» АА.

Иқтисодиёт ТУРЛИ СОҲАДА ҲОЙДАЛАНИЛАДИ

Бозор иқтисодиёти шароитида сифат, маҳсулот рақобатбардошлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ислом тараққиёт банки молиявий кўмаги билан янги технологик линиялар ўрнатилган «Довон» масъулияти чекланган жамиятида беш хил турдаги полиэтилен плёнка тайёрланади. Бу борада «Шўртангаз» кимё мажмуаси билан ҳам ашё етказиб бериш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган икки ва уч қаватли плёнкалардан асосан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

— Ўтган йилда 660 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиб, бир йиллик ўртак айланма маблағ 2,4 миллиард сўмни ташкил этди, — дейди корхона директори Хикмат Абдуллаев. — Жорий йил охиригача бу кўрсаткични янада оширишга ҳаракат қиламиз. Банкдан олинган кредитни ҳам тўла қайтаришга эришамиз.

Ҳозирги кунда корхонада 25 нафар ишчи меҳнат қилади. Харидор талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда турли рангдаги полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар тажрибасидан унумли фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан бозорда ўрнини топмоқда.

«Тўрт фасл фаз» масъулияти чекланган жамиятида 90 фоиз зарм хом ашёсидан фойдаланган ҳолда турли моделдаги сумка ишлаб чиқарилади. Айни пайтда 30 га яқин мутахассис меҳнат қилаётган корхонада ойига икки мингдан ортиқ аёллар сумкаси тайёрланади.

— Фаолиятимизни 2004 йилда бошлаганмиз, — дейди корхона директори ўринбосари Қобил Содиқов. — Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ модернизация қилинган. Замонавий дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланилади. Янги моделларни яратишда ижодий ёндошилади. Бугунги кунга келиб 400 хилдан кўп маҳсулот тайёрланмоқда. Сифатга, маҳсулот чидамчилигига асосий эътибор қаратилади.

Корхона маҳсулотларини мамлакатимизда ўтказилаётган кўпмаддий кўрик-танлов ва кўргазмаларда намойиш этилиб, шу тараққа фойдали шартномалар тузишга, ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб боришига эришилмоқда.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларини кўпайтиришда харидор талаб ва таклифини ўрганиш ҳам бесамар кечмайди.

Германия технологияси асосида қурилуш материаллари ишлаб чиқараётган «Rasata» масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига эндигина бир йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган қуруқ қурилиш қорихималари талабга жавоб бериши баробарида оммабоплиги билан ҳам ажралиб туради.

— Айни пайтда беш турдаги маҳсулот тайёрланади, — дейди корхона директори Акмал Зиёев. — Қурилиш ҳамда савдо ташкилотлари асосий буюртмачиларимиз сирасига киради. Маҳсулотларимизни «ZIX» савдо белгиси остида ишлаб чиқаришга қўлайтириш ниятидамиз. Лок ишлаб чиқариши ҳам режалаштирилган.

Корхонада маҳсулот сифатини назорат қилувчи махсус лаборатория малакали мутахассислар томонидан бошқарилади. Янги лойиҳаларни амалга ошириш учун янги технологик линия келтириш кўзда тутилмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, терби ва мадҳиясига эга. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 5-модда)

Бу учта муқаддас сўзни ҳеч қачон давлат, она юрт тушунчасидан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Байроқ, герб, мадҳиямизда халқимизнинг бой тарихи, маънавий-маърифий ўтмиши, бугуни ва эртаси, буюк келажаги, энг асосийси — буюк зийнати, орзу-умидлари, мақсадлари мужассамки, шу уч қудрат ила ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эгамиз.

Бу қадриятларимизнинг ҳар бири маънавий бойлигимиздир, катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

«Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи республика давлат суверенитетининг рамзидир. Давлат байроғи халқаро майдонда, Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда,

Давлат рамзлари халқнинг буюк тимсоли. Байроқ, герб, мадҳия ўзбек халқининг миллий ғурури, энг олий қадриятидир.

конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади» дейилади.

Байроқдаги мовий ранг тирикчиликни англатади, абадий турадиган осмон ва оби ҳаёт рамзидир. Тимсоллар нукта назаридан мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу биринчидан эзгулик, донолик, доғишманлик, ҳалоллик, шону шухрат, садоқат демакдир. Байроқдаги оқ ранг муқаддас тинчликни, яшил ранг — табиат янгилини, қизил чизиқлар — вужудимизда жўшиб оқётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларини англатади. Навқирон яриш ой тасвири бизнинг қадриятларимиз билан боғлиқ ва шу сингари қўлга

киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳамдир. Байроқдаги 12 улдуз тасвири ҳам тарихий қадриятларимиз, ўзбек халқи маданиятининг қадимлиги, унинг қомиллиги, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш мумкин.

Давлатимиз мадҳиясида ўзбек халқининг гўзал хусусиятлари билан бирга одамлилик фазилатлари уйғунлашиб кетган. Халққа олий даражада шундай таъриф берилганки, қойил қолмай илложинг йўқ. Она юртга таъриф берилган. Инсоннинг жони билан ўйғунлашиб ифодаланган. Ватанимиз серқуйшлиги, ҳур мустақиллиги, бу юртда тарих ва фан абадий яшажақлиги юксак даражада

ифода этилган. Тинчлик буюк бойлик эканлиги хусусида ҳам гап боради. Истиклолга улуг таъриф берилган. Маҳфия қалб кўри ила ёзилган, шоир шу миллий шох шеврий асарига «халқ қалбининг кўрини тўқа олган».

Давлатимиз герби ҳам ифтихоримиздир. Ватани жонидан севадиган ҳар бир инсонда жуда катта меҳр уйғота олади. Хулоса ўрнида шундай дейиш мумкинки, давлатимиз рамзлари онажонимиз каби азиз ва муқаддасдир. Дарҳақиқат, бу рамзларда ўзбек халқининг бой маънавий тарихи, бугуни ва буюк келажаги ўз ифодасини топган.


Рамзлар ҳамма пайт ҳам инсонийликни, меҳнатсеварликни, фидойиликни, ватанпарварликни шакллантиришда халқимиз учун жуда катта бойлик ҳисобланади.

Байроқ, герб, мадҳия барчамиз учун энг муқаддас қадриятлардир. Келажаги буюк давлатимиз рамзларини онамиз каби уйғунлайлик, азизлар.

Мавжуда АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси директори

Қонун ва ижро

ОДИЛ ҲАКАМЛИК — РАВНАҚ ОМИЛИ



ҲАЙДОВЧИ КЎКСИДА НИШОН

Аҳолига сифатли транспорт хизмати таъминланишида жонбозлик кўрсатаётган ҳайдовчилар кўплаб топилди. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раҳбарияти эса бундай фидойи транспортчиларни муносиб рабатлантириб келмоқда.

Бу борада «Мохир ҳайдовчи» кўрак нишони таъсис этилиши нур устига аъло нур бўлди. 2005 йилдан буён бундай рағбат белгиси билан уюшма тизимидаги автокорхона ва деполарда узоқ йиллар давомида меҳнат қилаётган соҳа ходимлари муқофотланиб келинмоқда.

Шу давр ичида касбдошларига намуна бўлаётган 400 дан зиёд транспортчи нишон билан тақдирланди.

Фақат шу йилнинг ўзида хайрли аъёна давом эттирилиб, яна ўндан ортиқ ҳайдовчига фахрлий унвон топширилди. Баркамол авлод йили муносабати билан гайратли ёш транспортчилар ҳам «Мохир ҳайдовчи» кўрак нишонига сазовор бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Истиқлолдан истиқбол сари тобора дадил одимлаётган мамлакатимизда барча соҳалар бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдек буюк мақсад сари оғишмай борилмоқда. Айниқса қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти алоҳида эканлигини таъкидлаш жоиз.

ўзгаришлар, қўшимчалар киритилаётганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

— **Ҳакамлик судининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?** — Ҳакамлик судининг фуқаролик ёки ҳўжалик низоларини кўрувчи давлат судларидан фарқи бор, албатта. Жумладан, ҳакамлик суди давво аризаларини тезкорлик билан кўриб чиқяди. Ҳакамлик муҳокамаси махфийлиги, низолашувчи тарафларнинг ўзаро келишувга йўналтирилиши, тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик сақлаб қолиниши, тарафлар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга кириши, яъни битта манзилдан иборатлиги ҳакамлик суди фаолиятининг аҳамиятли хусусиятларидир.

Таъкидлаш жоизки, ҳакамлик суди томонидан қабул қилинган қарор ҳўжалик ва фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилмайди ҳамда унинг ҳал қилув қарори қонун асосида мажбурий ижро билан таъминланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқариш ва хиз-

мат кўрсатиш субъектларининг фаолияти ўзаро шартномалар тузиш орқали йўлга қўйилади. Табиийки, шартномавий асосдаги муносабатларда турлича фуқаролик ва ҳўжалик низолари келиб чиқяди. Тадбиркорлик субъектлари, ишбилармонлар учун эса низоларнинг тезкор, ижобий, энг муҳими адолатли ҳал этилиши фоят катта аҳамият касб этади. Бинобарин, бу борадаги масалаларни қонуний ҳал этишда ўзига хос янги усулда фаолият кўрсатувчи нодавлат судлар — ҳакамлик судлари ўз мавқеига эришади, албатта.

— **«Ҳакамлик тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Ушбу қонунни ҳаётга тадбиқ этиш, унинг белгиланган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ижросини таъминлаш бўйича муайян ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари уюшмаси ташкил этилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. Ҳозирда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Бевосита Тошкент шаҳрида барча туманларда ҳакамлик судлари ташкил этилган. Хусусан, Учтепа тумани ҳокимлиги биносида жойлашган ҳакамлик суди томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг давволари бўйича кўпмаддий ишлар кўрилмоқда. Асосий низолар тарафларнинг ўзаро келишуви билан яқунлашувига эришилмоқда.

Ҳакамлик судлари ташкил этилганлиги, уларни ривожлантириш ва фаолиятларига кўмаклашиш борасида қилинаётган ишлар, қўрилган тегишли қонуний, ҳуқуқий чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Чет эл ҳакамлик судлари фаолиятини ўрганиш ва бизда суд ишларига таъбиқ этиш борасида тажриба ўртоқлашувини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда изчил шаклланиб бораётган ҳакамлик суди фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган адолатли ҳал этиш борасида ўз ўрнини топиши, шубҳасиз.

Дурдона ХўЖАЕВА
сўхбатлашди

